


**БИРЛАШТ  
УСТА**



## ЮНЕСКО — ЎЗБЕКИСТОН

Шу йилнинг 25 октябидан 16 ноябрга қадар Франция пойтахти Парижда БМТнинг таълим, фан ва маданият бўйича ташкилоти — ЮНЕСКО бош конференциясининг 28-сессияси бўлиб ўтди.

ЮНЕСКО тарихида илк бор сессиясида Ўзбекистон Бош вазир уринбосари, ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссия раиси С. Саидқосимов раҳбарлигидаги мамлакатимиз делегацияси иштирок этди.

## КЕЛАЖАК АВЛОД УЧУН

Қўнғирот туманидаги «Хоразм» жамоа ҳужалигида 844 уринли мухташам мактаб фойдаланишга топширилди. Унда утил-қизларнинг билим олиши учун кулайликлар яратилган. Бу замонвий илм масканида опхона, спорт зали ҳам ўқувчиларга хизмат курсата бошлади.

## МИНГ ДОЛЛАРЛИК СОВРИН

Тошкентда халқ усталари ва ҳунармандларининг ярмаркаси бўлиб, унда мамлакатимизнинг кўпгина усталари иштирок этишганди. Қўрағмада ўзи ижод қилган қўлдоҳлик маҳсулотлари билан қатнашган деновлик қўлол Мухаммадрасул Зухуров Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ваколатхонасининг мукофоти — 1000 АҚШ доллари билан мукофотланди.

## ФАН ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ

Тошкентда механо-киме муаммоларига бағишланган халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди.

Фаннинг нисбатан енгил бўлган бу соҳаси иқтисодийликнинг турли жабҳаларида ўз аҳамиятини намойиш этаётган. Республика «Фан ва тараққиёт» илмий-технологик комплекси ташаббуси билан уюштирилган мазкур анжуманда иштирок этган Марказий Осиё республикалари, ҳамдустлик давлатлари, шунингдек, қатор хорижий мамлакатлар олимлари фаннинг бу йўналишига келажакда порлоқ соҳа деб баҳо беришди.

## ШВЕЙЦАРИЯДАН «ИНСУЛИН»

Республика Эндокринология илмий-тадқиқот институтида Швейцария ҳукуматининг инсонпарварлик ерданини топириш маросими бўлди. Республикада кўп миқдорда «Инсулин» лорилари келтирилди. Швейцариянинг «Ново-Нордлекс» фирмасида ишлаб чиқаришган бу дори қанди диабет касалига қалтинган беморларни даволашда қўлланилади.

## БАХШИЛАР ЙИГИНИ

Хива туманидаги Саёт қишлоғида халқ бахшиларининг республика семинар-кенгаши бўлди. «Замон ва бахшичилик» мавзусидаги анжуманда мамлакатимизнинг таниқли бахшилари қатнашди.

ЎзА ва матбуот хабарлари асосида тайёрланди

## УШШУ СОНДА:

3-БЕТ: ҚАЕРДАСИЗ, «ЖОН ҚЎШНИ»  
6-БЕТ: ТУШЛАРНИНГ ШАРҚОНА ТАЪБИРИ  
8-БЕТ: ОЙБЕККА ЎХШАЙДИГАН ОЛИМ



## Нондан-да азизроқ не бор...

Обуна — 96

## ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙ!

Ҳаш-паш дегунча ноябр ойи ҳам тугай деб қолди. Демак, республикаимиз газета ва журналларига 1996 йил учун обуна бошланганига икки ой бўлай дебди. Демак, қўнғирот севиб ўқийдиган нашрларга тезроқ обуна бўлиб қўймасангиз, кейин кеч қолишингиз мумкин.

«Оила ва жамият» газетаси келгуси йилда ҳам хонадонингизга ҳафта сайин кириб боришига ҳамда сизнинг дилкаш ҳамсуҳбатингиз бўлишига умид қиламиз. Боболаримиз «Бугунги ишни эртага қўйма» деганлар. Ишончимиз комилки, сиз ҳам ана шу ўғитга амал қилган ҳолда, шу бугундан кечиктирмай газетамизга обуна бўласиз.

Обуна баҳоси қуйидагича:  
3 ойга — 79 сўм 95 тийин

6 ойга — 159 сўм 90 тийин  
1 йилга — 319 сўм 80 тийин.

Обуна индекси: 64654.

«ОИЛА ВА ЖАМИЯТ»ГА  
ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ!

## КЕЙИНГИ СОНДА:

Ф. КАФКА  
ҚУНДОЛИ  
СИДА

НОВО-НОРД-  
ЛЕКС  
ОЗОДЛИК  
ХАЛҚЛАРИ

ҳақидаги  
мақолалардан  
баҳраманд  
бўласиз





(Давоми. Боши ўтган сонларда)

1. Гудак бир ешга тулгунча ҳар ойда мунтазам равишда унинг вазинни улчаб туриш керак. Агар икки ой ичида бола вазида деярли узғариш сезилмаса, бола меъериди озиқланмайтиги еки саломатлиги яхши эмас. Бола бешинчи ойда тутилгандаги нисбатан икки баравар миқдорда узғариши лозим.

2. Гарчи бола ҳаётининг 2-3-йилида танасининг вази секинлик билан узгара борсада, уни ойда икки бор ўлчаб туриш керак. Гудакнинг вази йилига 2-3-5 кг гача узғариши унинг меъериди ривожланмаётганидан дарак беради.

3. Бола ўсиши учун Д дармондориси, айниқса, кузги-кишки масумда, муҳим саналади.

4. Гудак организмга А,С дармондориларининг етишмаслиги унда шамоллаш, ошқозон-ичак касалликларини келтириб чиқаради. Шунинг учун болага, бундай дармондориларга бой булган мева, сабза-

вотлар шарбатидан, сут, гушт, тухум каби маҳсулотлардан бера бориш мақсадга мувофиқдир.

Уч ешга тулган боланинг озиқлари таркиби усимлик ва ҳайвон егига туйиштирилган бўлиши лозим. А дармондориси кўпроқ сугир сути, тухум, сабзи, помидор, карам таркибида бўлади.

5. Бир ешга тулган гудакни суткасида беш бора мунтазам озиқлантириш керак. Имкони борида мажбуран овқатлантиришдан қочиш, унга яхши курадиган овқатларидан бериш тавсия қилинади. Боланинг иштаҳаси бўтилиб, овқатланишдан узини тийса, дарҳол шифокорга мурожаат қилиш лозим.

6. Агар фарзандингиз вазида, ўсишида уч ешгача кам узғариш сезилса, унинг сабабларини куйидаги омиллардан излаб туриш лозим:

а) боланинг етарлича озиқланаяптими, балки кундалик режими бешдан олти мартага кўпайтириш керакдир?;

б) боланинг қувватбахш озиқларга булган талаби қондирилмаётгандир;

в) еки фарзандингиз тез-тез касал бўлади, у ҳолда кўпроқ врач назоратида бўлиши тавсия қилинади;

г) боланинг овқатланиши хоҳламаётган бўлса, унга кам-кам миқдорда, турлича рацонда, лекин тез-тез овқат бериб туриш керак;

д) А,С дармондориларига булган эҳтиж қондирилаяптими?;

е) балки бола суяк сусти аралашмаларни, қуруқ маҳсулотларни кўп истеъмол қилаётгандир;

ж) еш организм қайнатган, тоза сув билан тула таъминланаяптими?;

з) болани озиқлантиришда шахсий гигиенага риоя қилинади?;

и) боланинг катталар эътиборидан четта чиқиб, кўпроқ елгаси қолаётгани?;

Ота-оналарга боланинг буйида, вазида буладиган узғаришларни аниқлаб, мунтазам равишда эзиб бориладиган жадвал тузиш тавсия қилинади. Ана шу жадвал орқали улар бола организмдаги салбий еки ижобий томонга буладиган узғаришларни илғаб олишади.

(Давоми бор)

## Туркистон бир - Ватан бир

### ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУД

Қирғизистон ҳукуматининг шу йил 11 ноябрдаги қарорига асосан, «Бишкек» эркин иқтисодий ҳудуди ташкил этиладиган бўлди. Бу ҳудуд Бишкек шаҳри яқинидаги 489 гектар ерни ўз ичига олади. Чет эл фуқаролари, тadbirkор ва ишбилармонлари ушун эркин иқтисодий ҳудудда бир қатор имтиёзлар яратиш кузда тутилган.

### ҲАМКОРЛИК САРИ

Россиянинг йирик банкарлардан бири ҳисобланган «Российский кредит» Туркменистонда ўз филиалини очди. Филиалнинг дастлабки низом жамғармаси 10 миллион манат (180-200 манат — 1 долларга тенг) қилиб белгиланди. Йил охиригача бу миқдорни 32 миллион, 1996 йилда эса 100 миллион манатга чиқариш режалаштирилган.

### ЯНА БИР ЗАВОД

«ТЕСХА» савдо-саноат гуруҳи ишбилармонлари Қирғизистонга қўшни Хитойдан қозғоқ чиқиндиларини қайта ишлаб, кундалик эҳтиж қозғоқлари тайерлайдиган кичик завод ускуналарини келтириб ўрнатишди. Завод уч сменада ишлаб, арзон ва сифатли маҳсулот бериши мумкинлигини Давлат стандарт қўмитаси тасдиқлади.

### БОЖХОНА ИТТИФОҚИ КЕНГАЙДИ

Россия, Белоруссия ва Қозоғистон ўртасида Божхона Иттифоқи тузилгач, бу мамлакатларнинг савдо-иқтисодий алоқалари анча кенгайди. Жумладан, Россия билан Қозоғистон ўртасидаги маҳсулот айланиви ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 40 фоизга ортди. Яқин келажда БИГА Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистоннинг ҳам аъзо бўлиши кутилмоқда.

### АҚЛ ЁШДА ЭМАС

Қозоғистондаги банкараро валюталар-жағмарма биржаси ташкил этилганга икки йил тўлди. Шу йилнинг ўтган ун ойда биржа орқали 1,640 миллиард АҚШ доллари, 55 миллион дойчмарка, 680 миллиард Россия рубли миқдориди савдо амалга оширилди.

### ТАШҚИ САВДОГА ЭЪТИБОР

Марказий Осиё давлатларининг ташқи савдо алоқалари ҳам кенгайиб бораётганини таъкидлаб утиш жоиз. Масалан, ўтган йили Қозоғистон 581 миллион доллар, Туркменистон 78 миллион доллар, Қирғизистон 24 миллион доллар, Тожикистон эса 2 миллион долларга тенг экспорт-импорт операцияларини амалга оширган эди. Бу йил ана шу курсаткиларнинг анча ошганлиги кузатишмоқда.

## ЯХШИ ДАМ МЕХНАТГА ХАМДАМ

«Намангантекстил» ҳиссасдорлик жамиятида етти минг нафардан зиёд ёш йигит-қизлар ишлайди. Уларга уста ип калаваловчи Нина Агапова, йигирувчи Роҳатой Юсупова, смена мастери Мелихон Абдуллаевалар устозлик қилаяпти.


Ёшларнинг баракали меҳнатдан кейин мазмунли ҳордик чиқаришлари учун Тўқимачилар маданият саройида хилма-хил тўгараклар ишлаб турибди. Тўгаракларга кўплаб ёшлар иштирок этишяпти.

Бу ерда тез-тез хилма-хил тadbirkорлар утказилиб турилади.

«Раққосаларни танлаймиз», «Қани, даврага келинг, қизлар!», «Мушоира», «Иқбол» ва «Дугоналар қувончи» мавзуларидаги кечалар шулар жумласидандир.

Сиз куриб турган суратдаги қизлар ишдан буш пайтида навбатдаги мушоирага ҳозирлик қилишмоқда.

Тургунпўлат СУЛАЙМОНОВ, журналист



Ангрендаги туркилар, яъни Нуробод шаҳарчасини билсангиз керак. Ана шу шаҳарчанинг қоқ марказида Абдулҳаким Абдурахмоновнинг кичкинагина хусусий нон ёши цехи бор...

— Абдулҳаким Муталович, корхонани қачон хусусий қилиб олдингиз?

— Шу йилнинг биринчи февралидан. Корхонамиз очилишида Охандаров ун компания раҳбарияти ва Ангрен шаҳар ҳокимияти катта ёрдам берди.

### Бу ажиб дунё

#### ЭНГ КЎЧЛИ МОМО

Германиянинг Висбаден шаҳрида истикомат қилувчи 85 ёшли Пинелоп Томсон мана 15 йилдирки, оғир атлетика билан шуғулланади. Ҳозир у 86 килограммлик итпангени бемалол етлаб кўтара олади. Яқинда ёши 65 дан юқори бўлган аёллар ўртасида жаҳон чемпионати пайтида бу кўчли момонинг таъкидланган антибиотик дорилар истеъмол қилганлиги аниқланиб, мусобақадан четлаштирилди.



Муаллиф суратга олган.

## ЭЛГА НАСИБА УЛАШИБ

— Хусусий мулкчи-бўлишнинг ўзга яраша қийинчиликлари ҳам бўлгандир?

— Албатта. Ҳозир корхонамиз жойлашган иморат тор, қуримсизгина эди. Кенгайтириш, таъмирлаш, стол-стуллар олиб келдик. Алгоритм заводдан керакли техник жиҳозларни сотиб олдик.

— Турган гапки, буларнинг ҳаммаси учун маблаг керак...

— Бўлмасамчи. Банкдан 130 минг сум қарз олдик. Шу пул билан ишлаб чиқаришни тула йулга қўйдик. Уч ой ичида қарздан қутулиб ҳозир фойда ҳисобига маҳсулот чиқараямиз.

— Корхонанинг бир кунлик иш унумдорлиги қанча?

— Бир кунда беш тонна ундан нон ва макарон чиқарамиз.

— Корхонада неча киши меҳнат қилади? Ойлик маошлари...

— Бизда туртта бригада мавжуд бўлиб, жами элликка яқин киши меҳнат қилади. Булар нон ёшувчилар, ҳамир қорувчилар, нон бўлакловчилар, нон тахловчилар... Ишчиларимиз асосан хотин-қизлар. Уртача ойлик маошлари эса 2000 сум атрофида. Ундан ташқари илгор бригадала ҳар ойда муқофот берилади.

— Корхона ишчилари учун яна қандай қўлайлик ва имтиёзлар бор?

— Ишчиларимиз учун иш кийими, уни ювиш ва дазмоллаш корхона ҳисобида. Оилавий шароити оғир булган ходимларимизга моддий ёрдам бериб туриш учун фонд ажратганмиз. «Телов» жамоа ҳужалиги билан шартнома туздик, шу ойдан бошлаб ходимларимизга текинга сут маҳсулотлари беришни бошлаймиз.

— Иш, корхона, рўзгор ташвишлари... Ойирик қилмаяптими?

— Негиз эини. Агар чин кўнгилдан бажарсангиз ундан фақат завқ оласиз. Қолаверса, Ойдин Ёрматов, Бозорой Курдонова, Жамила Юнусова, Улмасой Ортықова каби илгор ишчиларимиз сабаб корхона ишидан ҳаммиша кўнглим туқ.

— Келгуси режа ва орзулар?

— Бир олам. Корхонамизни даромад манбаи бўлиши иш унумдорлигини ошириш ва цехимизни кенгайтириш. Нон сифатини яхшилаб, қўрбимиз етса қандолат цехи қуриш ниятидамиз. Ёнимиздаги нон дукони битта, Ангрен шаҳар деҳқон бозори ёнида яна битта нон дукони очмоқчимиз.

Агар ишларимиз кўнгилдагидек олға силжийверса, хилма-хил нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи чет эл технологиясини олиб келиш ҳам режамизда бор.

Сухбатдош Ўрозгул ҲАСАН ҚИЗИ



(Давоми. Боши ўтган сонларда)

\*\*\*

**Лондон, 1748 йил 27 сентябр  
Жондан азият болажоним!**

.... Энди сенинг иншонг хусусида баъзи мулоҳазаларимни баён этмоқчиман. Ёзган иншонгдаги айрим хулосалар мени хайратга солганлигини таъкидлашим жоиз. Хусусан мана бу жойи: «Агар ёвуз душман устимизга мўр-малаҳдек бостириб келар экан, уни мағлубиятга учратиш учун барча имкониятлардан фойдаланиш лозим, чунончи заҳарни ишга солса ҳам бу лаверади...»

Сен наҳотки оғуни ўз-ўзини ҳимоя қилишнинг қонуний воситаларидан деб ҳисобласанг. Куч ҳамиша куч билан қарши олиниши шарт. Бу ерда маккорлик, сотқинлик бўлиши мумкин эмас. Табиқки, бунда мен пистирма қўйиш, тўпларни яшириш, қўпоровчилик каби ҳарбий ҳийлаларни назарда тутайтганим йўқ. Чунки, ҳар икки томон ҳам ҳийла-найрангларга олдиндан тайёр туришади. Бироқ вазият қанчалик таҳликали бўлмасин заҳарланган ўқ, қудуқлар ва озиқ-овқатларга оғу солиш ҳамма даврларда ҳам энг қабиҳ маккорлик ва ашаддий номардлик ҳисобланиб келинган. Бундай тубанлик ва номардлик қилишдан кўра жанг майдонида қаҳрамонона ҳалок бўлиш минг бор афзал.

Баъзи адвокатлар ўз мамлакатлари ва ҳукмдорларининг юқоридаги каби гайриқонуний ва гайриинсоний ҳатти-ҳаракатларини зўр бериб оқлашга уринадилар. Лекин, бу билан яхшилик ва ёвузликнинг ўртасидаги тафовут зинҳор ўзгармайди.

Адолат ва адолатсизлик тушунчаларини ҳар бир инсоннинг ўзи фарқлай олгани маъқул. Соддароқ қилиб айтганда, ўзгалар сенга қандай

осонгина ишонишлари мумкин. Бироқ бу баҳоналар қанчалик ҳаққоний қуринмасин, улар ўзгаларни ҳам ўзингдек қўр, — деган ахлоқий нормага асло тўғри келмайди.

Бироқ ушбу ҳийла-найранглар инсонларнинг эҳтирос ва ғазабларини жунбўшга келтиришда баайни қўл келиши сабабли, аксарият одамлар виждонларини ортиқча тафтиш қилмай улардан фойдаланишни маъқул қўришади.



муносабатда бўлишини истасанг улар билан ҳам шундай муомалада бўл. Мана сенга адолат ва ахлоқнинг энг содда ва ҳаққоний талаби. Агар шу қоидага амал қилсанг, бундан бошқа талаблар — улар қанчалик тўғри ва адолатли қуринмасин, барибир гайриинсоний ва жиноий йўл эканлигига ўзинг иқдор бўласан. Иезуитлар (реакцион католик монахлар ташкилотининг аъзолари) ўз мақсадларига етиш учун дунёдаги мавжуд барча жиноятлардан фойдаланишни оқлаганлар. Улар ўз жиноятларини оқлаш учун турли баҳона-ю, важлар кўрсатишадики, соддадил кишилар бу макру ҳийлаларга

Мен иккиюзламачи эмасман, аммо, йўлтўсар қароқчиларнинг ҳатти-ҳаракатларини шундай усталлигу изчиллик билан тушунтириб ва оқлаб беришим мумкинки, оқибатда айрим беҳабар одамлар йўлтўсарликнинг айби йўқ экан, деган ҳаёлга бориб, ўзлари ҳам шу касбни орзу қилиб қолишлари ҳеч гап эмас. Бир вақтлар «Ҳар нарсадан ҳар нарса ясаш санъати» деб номланган китобга кўзим тушган эди. Иймоним комилки, оддий инсоний қадриятлар ва адолат мезонларидан кўз юмолган киши ҳар қандай

гумроҳликларни ҳам оқлаш учун бутун ақлу идрокини иккиланмай ишга солаверади.

Инглиз файласуфи, доктор Беркли ҳеч қандай материя мавжуд эмаслиги, оламда фақат руҳ ҳукмдорлигини исботлаш учун ёстиқдай китоб қоралаган эди. Унинг таъкидлашича, сен Лейпцигда, мен эса Лондонда еб-ичаётганимиз, ух-лаётганимиз, қўлу оёқ, танамиз борлиги, жисмимизда қон айланиши, барча-барчаси бизнинг ҳаёлимизда, тасаввуримизда эмиш хос. Аслида эса бизни яққаш руҳ бошқарар экан. Ўз қарашларини исботлаш учун у жуда жиддий далиллар келтирсада, мени ишонтириш учун улар етарли эмас. Чунки, мен ўз танамни, яъни материямни ҳар дақиқада ҳис этиб турибман, уни аъло даражада сақлаш учун овқатланаман, дам оламан, югураман ва ҳоказо. Оддий соғлом фикр ҳамиша ҳар қандай гоълардан устунроқ турарди. Шу боисдан ҳам сен турли ҳийла-найранглар, башорату гоъларни ақлингни пешлаш учун ўқиб-ўрганавергини, лекин ҳаракат қилишда доимо соғлом фикр билан иш тут.

(Давоми бор).

**Одабийлик сабоқлари****ҚАЕРДАСИЗ, «ЖОН ҚЎШНИ?»**

Метро поездига икки болакай кирди. Булар олти ва саккиз ёшлар атрофидаги ака-укалар эди. Икковининг ҳам уст-боши кир-чир, сочларига тароқ тегмаган, ранглари оппоқ... Поезд ўрнидан жилиши билан ҳалиги болалар уртага чиқди. Каттаси овозини баланд қилиб:

— Бизни отамиз ташлаб кетган. Онамиз огир бетоб, касалхонада ётибдилар, Уйда ёйишга ҳеч нарсамиз қолмади. Озгина ҳал қилинган! — деди. Ука эса ўтирганларга ер остидан бирма-бир қараб чиқди. Одамлар, айниқса, аёллар ҳалиги болаларга пул узата бошлади. Мен ҳам сумкамдан пул олиб шоша-пиша узатарканман, қўлларим қалтираб кетгандек бўлди. Томоғим ачишиб, қўзларимга ёш қалқиди...

Одамлар, бу болалар қаерда яшашади, ўзи? Нега бундай аҳволга тушиб қолди? Булар яшайдиган уй атрофида кўни-қўшни бордир, ахир. «Ён қўшним-жон қўшним» деб эъозлаймизку, биз уларни. Қани, ўша «жон қўшни»лар?! Шу икки жимитдай болага бир коса ёвғону бир бурда нон қиёяку?! Бир - иккита қўшнининг меҳру-мурувати бўлганида, бу болалар ҳеч қилмаган ҳунари — тиланчи-

ликка қўл урармиди, ахир! Бемор она болаларининг бу аҳолини қўриб-билиб, не аҳволга тушди экан? Касали баттар оғирлашгандир... Ахир, жисмининг хасталиги руҳ хасталигига қўшилиб аёлнинг аҳолини баттар оғирлаштирадими!

...Болалигимни эслайман. Қиш кунларининг бирида онам жигар хасталигига учраб аҳоли оғирлашиб қолди. Уни шаҳар касалхонасига ётқизишди. Отам муҳом ёнларида бўлди. Биз уч бола — энг каттаси мен, саккиз ёшда эдим. Ўша кунларни эсласам, ҳамон тулқинланиб кетаман. Ўшанда қўшниларимиз бирин-кетин келишиб, гоҳ овқат пиширар, гоҳ кийимларимизни ювиб беришарди. Кечкурунлар бизни кўркмасин деб, навбати билан болаларини ҳам чиқаришарди. Бир ярим ойча вақт ўтди, онам касалхонадан қайтдилар. Шундан сўнг ҳам қўшниларимиз онамни оғир юмушларга йўлаттирмай, доимо аҳолиимиздан хабар олиб туришди...

Мен «ҳамма қўшнилар бир-бирига шунақа муносабатда бўлади» деб ўйлардим. Йиллар ўтиб, бундай эмаслигини англадим. Ўзбекларда «Ховли олма, қўшни ол» деган ибратли нақл бор. Ахир, инсоннинг яхши-ёмон кўни энг аввало ёнгинасида яшайтган қўшнисига аён бўлади. Гоҳи боланинг мушкул иш тушса, узоқдаги жигарларнинг етиб келгунича қўшнинг қўнига яраб туради. Баъзида сиқилиб кетган чоғларингда ҳам дардингни чиқиб тезроқ қўшинингга айтинг, ундан тасалли эшитгинг келаверади... Хуллас, қўшнилар аҳиллигига ҳосият кўп. Ҳеч биримизни қўшнимизнинг бир оғиз ширин сузи, бир чимдим меҳридан бенасиб этмасин, илоҳим...

ҲАДИСДан: «Қаровсиз қолган мўминларнинг оилаларига кечаю-кундуз моддий ердам қўрсатиб юрувчи одамнинг гуноҳларини туртиб кечириб юборади.»

Гулчехра ЖАМИЛОВА

Бектемирга янги қучиб келган кезларимиз. Эрталаб туриб қарасам, ёшнинг аниқлаб бўлмайдиган бир одам богимиз этагидаги йулакдан ўтаётди йўлгаги тошларни, тикан ва чўшларни териб юрибди. Бир фурсат ҳайрат кўзи билан қараб турдим. Аммо ҳеч нимани тушунмадим. Бу ҳол ҳар кўни такрорланавергач, ён қўшнимдан сўрадим: «У одам ким ўзи? Нега бундай қилади?» Қўшнимнинг жавоби мени баттар ажаблантирди: «Раҳим ака қариганда кўп ичадиган бўлиб қолган. Хотини қазо қилганига ҳам анча бўлди. Ҳозир ёлғиз ўзи туради. Эрталабдан — кечгача ичади. Маст ҳолда уйга келаятиб қоқилмай деб йўлгаги тошларни териб юради» деб қўлди.

Қўшним анча-мунча китоб кўрган, Қуръони каримни ўқиб туширган, юз

Исмоил Ал — Бухорийнинг «Ал-адаба ал-муфрад» китоби экан. Ундаги ҳадисларни ўқирканман, нигоҳим бир ҳадис устиде беихтиёр узок туриб қолди. Бу ҳадисда шундай дейилган экан: «Имон олтиш неча (иккинчи ривоят-

ЎГИТ

**ИЙМОНЛИ ЭДИ**

лаб ҳадисларни ёддан биладиган, номозхон одам бўлгани учун унинг гапига бир қадар ишондим. Лекин наҳотки Раҳим ака йўлдаги майда тошчалар, хору хасларни ўзининг қоқилишини уйлаб олиб таппаса?!

Ёши етмишдан ошган бу одамнинг қўлида сўпури азонлаб тор кучадан катта йўл бошигача сўпуриши, катта йўлда ҳам ҳар тошчани олиб йўл четига ташлашини бир неча бор кўрганман. Кейин бу нарса ҳаёлимдан кетмай қолди. Кўнларнинг бирида бир арабшунос дўстимга шу ҳақда гапирган эдим, у индамай қўлимга бир китоб тутқазди. Бу маъхур муҳаддис Имом

да: етмиш неча) булак, шоҳчалардан иборат бўлиб, уларнинг энг афзали «Ло илоҳа иллоллоҳ» калимаси бўлса, энг ақллиси одамларга озор берадиган нарсаларни йўлдан четга чиқариб ташлашдир.»

... Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай бахтсиз тасолиф туфайли Раҳим ака бу дунени тарк этди. Таъзияга тумонат одам йитилди. Эшик олдида ўтирган у тенги чоллардан бирининг гапи қўлогимга чалинди: «Раҳматли гирт саводсиз эди. Ҳатто нафақа олаётганда имзо қўелмасдан чизик тортиб қўярди. Аммо, лекин иймонли эди...»

Т. ҚУРБОН

**Бу ажиб дунё****КАФТНИ СИЛАБ...**

Нью-Йорклик шифокорлар ўтказган тадқиқотлар аниқлиги туғилган чақалоқларнинг кафтини силаб, улар ичидан ўз фанзандларини беҳато топишлари мумкинлигини исботлади. Жумладан, кўзи ожиз бир эркек учта чақалоқ ичидан қайси бири ўз боласи эканлигини аниқ топа олган.



# Боланинг тили ширин

— Нима бўлди, нимага йиғлаяпсан? — деб суради Анна опасидан.

— География ўқитувчиси «2» қўйди. Аляска қасрдалиги эсимдан чиқиб қолувди.

— Вой сени қара-ю. Уни қасрга қўйган эдинг, ахир?

Ўқитувчи: Қани ким айтади, олтинни очик ҳавода қолдирсак, нима бўлади?

Ўқувчи: Уғирлаб кетишади.

Пиркада қўзбоғлагич томошабинлар ичида утирган болани чақириб олиб, деди:

— Хой бола, сен мени биринчи бор қуришингни?

— Ҳа, дада.

Деразани сен синдирдингни? Тугрисини айтиб, айбингни буйинингга олсанг, жазонинг ярмини оласан.

Бола савол берди:

— Агар айбимга икки марта иқор бусам-чи?

Ўқитувчи ўқувчидан суради:

— Таркибида сут бор бешта нарсани айт.

— Сарғ, пишлоқ ва учта сигир.

Тоққа кутарилган ота нафасини ростлаб олиб, углига деди:

— Қуйига қара, қандай гузал манзара; ажойиб дара, жозибадор даре...

— Дада, ҳамма гузаллик пастда қолган бўлса, нима учун уч соат нафасимиз тиқилиб юқорига чиқдик?

## ТЕЗ АЙТИШЛАР

Паркентлик Парпи пардеворни пардозлади.

Қумри Қумтепада қумгондан кимрон қўйди.

Баҳри баҳаво баҳордан баҳраманд бўлди.

Қорамтир қарга қарагайзорда қарчиғайга қараб қагиллади.

Моҳира мохорага моҳир.



— А-ха, сомса пиширмоқчимисан? Сени-чи, ҳозир ойимларга айтиб бераман...



— Ойимларга ўхшаб, ширин қулча ёпмоқчиман-у, у бўлса «сомса» дейди-я, чақимчи.

Т. РАҲМОНОВ сурати

Ориф ТҲУТАШ

## САБЗАВОТЛАР ГУРУНГИ ШОЛҒОМ:

— Ошни ширин қиладиган, Дўстлар, ўзим шолғомман. Куплар таъминг ёмон, дегаҳ, Кип-қизариб қолганман.

## КАРАМ:

— Мен карамман, карамман, Бошим қотиб гарангман. Нолимаман ҳеч сиздан, Қутқаринг, эчкингиздан!

## САБЗИ:

— Яна мақтанчоқ деманг, Маъно бордир сўзимда. Паловни ширин қилган, Биласизми, ўзим-да!

## СОВҒА

— Нишонлаймиз дадамнинг, Тугилган кунларини. Бугун асло мумкинмас, Оғритмоқ дилларини.

Дея уйлаб, охири, Мактаб томон жўнадим. «Яхши совға» бўлсин деб, Дарсларга ҳам кирмадим.

— Ие, шу ҳам совғами? Ажабланади Саттор. Бу қилмишинг эшитса, Даданг туюқар баттар.

— Парво қилмагин асло, Дадажоним кўнгли тўқ. «Кўен» бўлганим сабаб, Фақат бугун икким йўқ.

## ШАФТОЛИ

Шафтолини курсатиб, Дадасига дер Ғолиб: — Узингизникидайн, Беринг соқолин олиб.

## ЙЎЛБАРСНИ АЛДАТАН ЮМРОНҚОЗИҚ (Эртак)

Юмронқоziқ қайта йулбарсни уч-ратмаслик учун буталар орасида яшириниб юрар, теварак-атрофга жовдираб, қўрқувдан даг-даг қалтираркан.

У бироз дайдиб юргандан сўнг урмон четига чиқиб қолибди, қараса у ерда бугма илон ухлаб ётганмиш. Юмронқоziқ олдинига жуда қўрқиб кетибди, кейин бориб: «Мен бугма илон устида утириб турай. Йулбарс келгүндек бўлса, уни барибир лақиллатиб кетаман», — деб хаёлидан ўтказибди.

Шу пайт у уйлагандай йулбарс чиқиб қолибди. У юмронқоziқни кўриши билан ўзида йўқ қувонибди. — Энди мен сени ямламай ютаман! Нега мени алдаб кетдинг! Шошмай тур, энди қочиб қутулиб бўлибсан, кўнинг тугади!

Аммо юмронқоziқ ўзини заррача қўрқмавтгандай қилиб курсатиб, бундай дебди:

— Телба йулбарс, гапимни эшит! Сен нима, кўздан қолганмисан, ҳеч нарса қўрмайпсанми? Яхшиликча бу ердан тўғингни шикиллатиб қол! Бу ер сенинг жойинг эмас! Менга Сулаймон пайгамбарнинг белбоғини қўриқлаш топ-ирилгандан хабаринг йўқми? Борди-ю, яқинроқ келишга журъат этсанг, илон пўстли белбоғнинг сеҳрли кучидан ҳалок бўласан. Ҳадеб кекирдагингни чу-заверма, бўлмасам, сеҳр кучини қўзғатиб юборасан, унда узингдан кўр!

Йулбарс бу сўзларни эшитиб, қўрқиб кетибди. Унинг қаҳр-ғазабидан асар ҳам қолмабди.

— Эй, юмронқоziқ, бу белбоғ менга қанчалик ёқшини билсайдинг! — дебди у буйинини қисиб. — Ундаги безаклар қанчалик чиройли, худди шойига ўхшаб ялтирайди ва товланади. Бир дақиқага белимга боғлаб курсам майлими? Пайгамбар Сулаймоннинг белбоғини озгина боғлаб туришни жуда хоҳлаяпман.

Юмронқоziқ бўлса:

— Белбоққа яқинлашсанг, нима бўлишини огоҳлантирдим.

Пайгамбарга тегишли нарсага йулбарслар даҳл этиши мумкин эмас, — дебди Йулбарс яна: — Ҳеч нарса бўлмайди, юмронқоziқ, майли, дея қол! — деб ёлворибди.

Шунда юмронқоziқ: — Хой йулбарс, ҳеч узингни тутишни билмайсан. Маслаҳатимга кўнишни истамайпсан, унда узингдан кўр. Фақат бу ердан узоқроқда туришим керак — шунда белбоғни бойла-санг бўлади. Аммо қара, хушёр бўл! — дебди.

Йулбарс белбоққа яқинроқ келибди, негадир, у ўзини бошқача сезибди, чунки бу белбоғ жудаям илонга ўхшаб ерда қулча бўлиб ётган экан-да. Лекин сир бой бермай белбоғнинг бировини ёзибди-да, белига айлантириб боғлай бошлабди. Шу пайт бугма илон уйқудан уйғониб, йулбарснинг жон-пони чиқиб кетибди, оғриққа чидай олмай инграганича бор кучи билан илон исканжасидан чиқиб кетишга ҳаракат қилибди. Илонни ўзи билан судраб тепаликка кутарилибди ва у ердан пастга қараб думалабди, охири бир амаллаб бугма илон кўйнидан қутулибди.

Йулбарс нафасини ростлаб олибди-да, кетма-кет икки маротаба панад берган юмронқоziқни қидиришга тушибди.

## ҲАРФЛАР ҶИМИНИ

Азиз болалар! Шаклда- маънодаги сўзлар ҳосил ги шарларда ҳарфлар бўлсин.

ёзилган бўлиб, аввал

Ғозилжон ОРИПОВ.


уларни маълум тартибда ўқиш билан учта тўрт ҳарфли сўзни топинг. Сўнг шакл марказидаги тескари қўйилган, яъни бўш шарларга шундай бир ҳарф қўйингки, шаклда яна учта бошқа





Тадбиркор кишилар

# «ЎЗБЕКИСТОНГА МЕХРИМ БЎЛАКЧА»



Мухаммад Расул Али Дола 1954 йилда Кушнинг Афғонистон Республикасининг Парвон шаҳрида тутилган. Бизнесмен. Ойиққутил, камтарин, самимий инсон. Сиз билан исталган мавзуда истаганингизча суҳбатлашини, баҳслашини мумкин. Унинг кенг қамровли, теран фикрларини, мушоҳадларини эшитиб «бу олам философ бўлса керак» деб ўйлашингиз табиий. Лекин, маълумоти... унинг айтишича, фақат ХАЁТ мактабида дарс олган, ҳолос.

1993 йилнинг февралдан Тошкент шаҳри Яқкасарой тумани Ҳосилот меҳмонхонасида жойлашган «Фаргона — Парвон» масъулияти чекланган жамият президенти. Уйланган. Тўққиз фарзанднинг отаси. Онлани Афғонистонда истиқомат қилади.

— Мухаммад Расул, мени ҳайрон қолдираётган ишхонангизга кириб келишда Ўзбекистон байроғи, хонангиз тўрида Президентимиз портрети... Нима учун Афғонистон байроғи эмас?

— Мен ҳозир Ўзбекистонда яшаётиман, шу юртининг бир фуқаросидайман. Ишонинг, жаннатмакон юртингизни бир узбекдай, бир узбекистонликдай севаман, унинг эришган ҳар бир ютуғидан мен ҳам сизлар каби севишман. Қолаверса, Ўзбекистонни бутун кураётганим йўқ. Бағрикенг, меҳмондўст халқингизни саккиз йилдан бери биламан.

— Нима учун ўз сармоиянгизни Ўзбекистонга олиб келингиз?

— Авваломабор, мамлакатингизга, унинг келажигага ишонаман. Ислоҳ Каримов юртгаётган сиёсат, у кишининг чет эллик сармоядорларга элибори, уларга тегишли мулкдан фойдаланиш тўғрисида тушган даромад уларнинг узига тегишли эканлиги қонун билан мустақамлаб қўйилганлиги эса ишончимни янада орттирди.

— «Фаргона — Парвон» асосан қандай маҳсулотлар билан одди-сотди қилади?

— Дуненинг кўлаб мамлакатларидан келтирилган турли хил газламалар, ширинликлар, оёқ кийимлар, озиқ-овқат маҳ-

сулотлари, кўйингки, ҳамма нарса бор. Уларга камгина устама нарх қўйиб, сотувга чиқарамиз. Худода шукур, нархи, сифати харидорларни қониқтираётгани сабабидир, ҳозирча ҳаммаси утаяпти.

— Ширкат ишларини йўлга солиб олиш ҳам осон бўлмагандир?

— Нимасини айтасиз, ишни ҳар ерда узи олиб келган молларга харидор излаб юрган (аксарияти визасиз) чет эллик бизнесменларни тушладан бошладик. Ҳаммасининг бошини қовуштириб, ҳужжатларини тўғирлаб, тиббий куриқдан утказдик. Худода шукур, мана ҳаммаси изга тушди... Ҳозир дўконларимизда чет элликлар билан бирга биттадан узбек йигитлари ҳам ишляпти ва шу жараёнда улар тадбиркорлик ва бизнес сирларини урганаяпти. Фаргона вилоятида ҳам учта дўкон ва битта чойхонамиз бор. Чойхонамиз шифхона енгинасида жойлашган. Бемор кургани келган кишилар кеч қолиб кетишса, тунаб қолишлари учун чойхонамизда шарт-шароит етарли.

— Ҳомийлик, хайрия ёрдамлари ҳам...

— Худонинг етказганига шукур қилиб, қўлдан келганича... Масалан, болалар уйига 50 минг, Яқкасарой тумани маҳалла жамғармасига 75 минг сум пул утказдик. Энди бирон мактабни ҳомийликка олиш ниятидамыз.

— Мухаммад Расул, 8 декабрда мамлакатимизда Конституция куни кенг нишонланади. Ўзбекистоннинг бир фуқаросидайман, дедингиз. Бош Қомусимиз ҳақида...

— Хизмат тақозоси билан дуненинг 40 дан зиёд мамлакатида бўлдим. Ўзбекистон Қомуси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Осиёда биринчи уринлардан бирини эгаллайди.

...Ўзбекистонга келиб-кетатган жуда кўп чет эллик сайёҳларни курашман, ҳамсуҳбат бўлаялман. Ҳаммаси ҳам юртингиз ҳақида, меҳмондўст узбек халқи ҳақида тулқинланиб гапирди. Шуро тузуми даврида ҳам Ўзбекистонда бир неча бор бўлганман. Лекин... тўрт йилда шунча узгарди. Мамлакат мустақилликка эришганига 4 йил эмас, 400 йил бўлгандай гуе.

Президент Ислоҳ Каримовнинг юртгаётган доно сиёсатини, барча Афғонистон ҳал-

қи жуда яхши билади, ҳурмат қилади. БМТ Бош Ассамблеясининг 48 сессиясида Афғонистон ва Тожикистондаги биродарқушлик урушини тўхтатиш ҳақида тулиб-тошиб айтган гаплари ҳали ҳам едимда.

— Боя юртимизни жаннатга менгзадингиз...

— Фаргона, Тошкент бозорларини кўрдим. Шириндан-шакар қовун-тарвузлар, олмаю узумлар... қанчадан қанча узбек хонадонларида меҳмонда бўлдим. Қасрга бормайин бир пиела чойга тақдиф қилишди. Бир пиела чой... Бир меҳр, пок қалб билан уйининг турига утказиб, тукин дастурхон ездиди...

Дастлаб бозорга кирганимда олма сотаётган аелни куриб ҳайрон бўлгандим. Йўқ, сиз уйлагандай олма сотаётгани учун эмас. Кўрт етанларини ажратиб уларни арзонроқ нархда сотаётгани учун. Ахир яхшисига арадаштириб сотса, унча-мунча пул бўладику. Йўқ. Бу халқ аллашни билмайди. Худо берганига қаноат қилади. Кўнелида кири, шумлиги йўқ. Юзлаб миллат кишилари билан ҳамсуҳбат бўлган бўлсамда, узбекларга меҳрим бўлакча. Шунинг учун ҳам катта ўғлимни шу юртга олиб келдим. Ҳозир у Тошкентда Халқаро дипломатия университетида ўқияпти.

— Америка ёки Олмонияда ўқитишга қурбингиз етмадими?

— Нега энди. Қурбим етди. Лекин сиз айтган мамлакатларда узбекча, мусулмонча тарбия беришмайди. 6 ойла саломни унутиб, 1 йилда отасини ҳам танимай қолди.

— Яна нима-ларни айтмоқчисиз... Келуси режалар қандай?

— Биласизми, онам раҳматлик бўлиб кетган. Мен Ўзбекистонга келиб, онамни қайта топдим. Фарғоналик, Хурсаной Машарипова. Доимо у кишининг дуоларини олиб, шу онамнинг дуолари билан юраман. Режалар эса... Ўзбекистоннинг биргина Янгийул шаҳрида ҳамиртуруш ишлаб чиқувчи цех бор экан. Ҳамиртуришга эса талаб жуда катта. Шунинг хисобига олиб, янги йилдан биз ҳам ҳамиртуруш цехи очмоқчимиз. Технологиюни Туркия еки Олмониядан шартнома бўйича олиб келамиз. Қолбаса, макарон, нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйишни режалаштирганмиз.

— Ўзингиз айтгандек, жаннатмакон юртининг фарзандларига — газетхонларга тилакларингиз.

— Ҳеч кимнинг бошига гам-ташвиш тушмасин. Соғу саломат бўлишини. Юртингиз осмонда қуёш заррин нурларини сочаверсин. Узбек халқига шунинг тилайман.

— Мазмули суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатдош Бахриддин АБДУ САИД

## Бу ажиб дунё

### БАХТСИЗ КҮН

Перудаги кичкина бир шаҳарчада яшовчилар ҳар йили 14 феврални ички бир кўрқув билан кутадилад. Сўнгги йигирма йил ичида худди шу кун шаҳарда икки марта катта ёнғин юз берди, поезд, автобус ҳалокатга учради, ер қимирлади. Яшин тушиши натижасида ҳокимият биноси батамом ёниб кетгани, автостанция кулаб, кўп миқдорда захарли суюқлик атроф-муҳитга жиддий зарар етказгани шаҳарликлар ёдидан чиқмаса керак.



Табият мўъжизаси.

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ҳурматли онажонимиз  
Матлуба Абдуалимова!

Сизни муборақ 40 ёшга тўлишингиз ва амакимиз Дилшод Азимовни муборақ 25 ёшга тўлиши муносабати билан чин дилдан табриклаймиз. Сизларга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр тилаймиз.

Самимий эҳтиром билан фарзандларингиз.

ТАЙИ 4-курс толиблари Акмал ва Асрор Абдуалимовлар



ШАДБИРКОРЛАР, КОРХОНА,  
ШАШКИЛОП,  
ФИРМАЛАР ВАКИЛАТРИ,  
ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Оила ва жамият» газетасининг «Реклама-эълонлар бўлими» (РЭБ) сизнинг хизматингизга шайланди. Хизмат ҳақи сиз кутган ва ўйлагандан ҳам арзон. Имкониятингизни бой берманг.

Манзилимиз:

Мустақиллик майдони,  
5-бино.

Телефон: 39-43-95.



## Тавба!

БЕЧОРА  
«АЖИНА»ЛАР

Негадир қўлчилик қора мушукни ёқтиравермайди. Сабабини эса доим прим-сиримга йўйишади.

Қизиги шундаки, урта асрларда Европада ёлпасига барча мушукларга қирон келтириш бошланади. Сабаби, мушуклар христиан оламида ажиналар деб эълон қилинган. Ҳатто Рим папаси Юлиус II 1503 йилда узининг христианларга қарата йўллаган махсус номасида жумладан шундай дейди: «Ажиналар шунинг учун ҳам хавфлики, улар мушукка айланиши мумкин». Ҳатто христианлар узларининг «Пасха», «Иванов куни» сингари байрамларида мушукларга, айниқса, қора мушукларга даҳшатли равишда қирон келтиришганлиги тарихдан маълум.

Табиатнинг беозор махлуқи, уй ҳайвони мушук тақдирнинг ёзиги туфайли шундай тавқиланатта учраган.



## ДЎСТЛАР ҚАНДАЙ САЛОМЛАШАДИ?

Тибетликлар бир-бирлари билан тилларини чиқариб саломлашадилар.

\*\*\* \*\*

Африкадаги бир миллат кишилари дўстлари билан саломлашганда кийимларини алмаштириб оладилар.

\*\*\* \*\*

Читтагонда яшовчилар дўстлари билан учрашганда, бурунларини артган ҳолда чуқур нафас оладилар.

\*\*\* \*\*

Японияда дўстлари

билан учрашилганда унинг оёқ кийимини ечиб қўйилади.

\*\*\* \*\*

Австралиядаги бир миллатда дўстлар бошига сув қўйиб саломлашадилар.

\*\*\* \*\*

Англияда дўстлари билан саломлашганда, унинг қўлини упишади.

\*\*\* \*\*

Ҳиндистонда дўстлари билан учрашганда қўлларини кўтариб жуфтлаштирган ҳолда саломлашадилар.

Тўпловчи: Д. РАХИМБЕРДИЕВА

ШУҶЛАРНИНГ  
ШАРҚОНА ШАЪБИРИ

Чилдирма — яқинда тўй бўлиши

Қарға — шум хабар

Бойғўгли — бахтли бўлиш

Игна — озиш

Дастурхон — меҳмонга бориш

Жарлик — ғам

Қоғоз пул — яхши гап

Танга — ёмон гап

Янтоқ ўт — зиён кўриш

Оловда ёниш — севги изҳор қилиш

Қизил гул — муҳаббат

Сариқ гул — аразлаб кетиш

Кўк гул — севмаслик

Қопток — фарзанд кўрмаслик

Қошиқ — янги рўзғор бўлиш

Учоқ — умид қилинган авлод

(Давоми бор)

Мўйдинхўжа ТУРСУНЗОДА Ўғли  
тўплади



Жўра Бобораҳмат сурати.

## Онажоним табиат

## ЧАЁН ЎЛЖАНИ ҚАНДАЙ ТОПАДИ?

Зоология фанининг таркибий қисми бўлган «этология» ҳайвонлар ҳуқ-атворини ўрганиш билан шуғулланади. Жумладан, Калифорния университети олими Филипп Браунер кум чаёнининг озиқланиш жараёнида намоён этилган таройиб ҳуқ-атвори ҳақида талқиқот ўтказган. Шимолий Американинг Мохаве чулида яшайдиган кум чаёни ўзининг 5-6 йиллик умри давомида 8 см узунликка ва 4 гр тақа оғирликка эга бўлиши мумкин. Кум чаёни ўта йиртқич санади, унга ҳар қандай ўлжа тўғри келаядиган. Ўлжани эса думининг охирида жойлашган наштариини санчиш билан фалажлайди. Кум чаёнининг асосий ўлжаси турли хил ҳашаротлар, кўпинча ўз турининг кичик вакиллари ҳисобланади. У ўз ўлжасини ини оғизга чиқиб, соатлаб кутади. Агар ови юртимасе, унинг организмидати метаболизм фаоллиги сўниб, чаён тинч ҳолатга ўтади.

Олимлар Филипп Браунер ва Роджер Фарли Мохаве чулидан утағиб, қизик ҳодисага дуч келишди. Кечаси уларнинг тутган фонари кум уюмларини еритар, бу еруликка капалаклар интилишар, қаердандир етиб келган чаён эса уларни каттақон қисқичлари билан қўлга киритарди. Ваҳоланки, чаёнга ўлжаси сунтий равишда жудаям яқинлаштирилганда, у пинагини ҳам бузмаган, Демак, чаён ўлжани на қўз ердамида, на товўш синали ва на ҳид билиш органлари орқали топаётти...

Чаён бутим оёқлилар оиласининг вакили бўлиб, қўриш, ҳид билиш ва эшитиш қобилиятига эга эмас. Маълумки, ўлжани фақат тунда овлайди. Агар чаёнга ўлжа ҳақида ахборот келса, унда тапвипли реакциялар пайдо бўлади. Натيجида у педипалларини кўтариб, дум қисминини олдинга эгади. Ўлжанинг ҳар бир ҳаракати чаёнда

ориентация реакциясини келтириб чиқаради. Агар ўлжага педипаллар етмаса, ўлжанинг кейинги ҳаракатларини кутади. Биттадан бештагача ана шундай ориентация реакцияларидан кейин у ўз ўлжасини тутиб олади.

Хуллас, олимларнинг тажрибаларидан сўнг чаён ўлжа ҳақидаги маълумотни оёқлари ердамида олади, деган хулосага келинди. Яъни чаёнинг саккизта оёғида кутикулали усиклар бўлиб, зифасини бажаради. Шунингдек, чаёндаги тирқишсимон сенсиллалар ўлжани топишда муҳим рол ўйнайди. Агар ана шу тирқишсимон сенсиллалар қонлаб бузилса, чаён таъсирларга жавоб бермай қўяди. Маълум бўлишича, вояга етган ҳар бир чаёнининг бундай сезиш майдоли доира шаклида бўлиб, 4-6 смни ташкил этади. Демак, чаён оёқлари, ундаги тирқишсимон сенсиллалари орқали нафақат ўлжа ҳақида, балки ўлжанинг қаерда жойлашганлиги ҳақидаги маълумотни ҳам билиб олади.

Очил МАВЛОНОВ ТошДД  
профессори

## ДЕРАЗА

## АНГЛАШИЛМОВЧИЛИК...

ГФР Президенти Р.Херцогнинг Бразилияга расмий сафарида кутилмаган воқеа содир бўлди. Мамлакатнинг вилоятларидан бирида Р.Херцогни собиқ ГДРнинг гимнини чалиб қўтиб олишди. Маҳаллий ҳукумат бунинг ортида англишилмовчилик деб ҳисобламоқда.

## ЯНА МАЙКЛ ЖЕКсон

Эм-ти-ви соврини учун ҳар йили Парижда бўлиб утадиган «Йилнинг энг машҳур қўшиқчиси» конкурсиди Майкл Жексон голиб деб топилди. Бу номга М.Жексон билан бирга исландиялик қўшиқчи Бьорк хоним ҳам муносиб деб ҳисобланмоқда. Рок гуруҳлари орасида «Бон Джови»га тенг келадигани топилмади.

## ЕР КИМИРЛАДИ

Миср, Исроил, Саудия Арабистони ва Йордания буйлаб бўлиб ўтган ер кимирлаши натижасида 8 киши ҳалок бўлди ва 100 дан ортиқ киши оғир тан жароҳати олди.

## ФИЛЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ

Кения давлатининг бир неча аҳоли яшайдиган жойларида 200 бошга яқин филлар «жангарилик» қилишмоқда. Улар экинларни пайхон қилиб, яшаш жойларини бузиб кетишяпти. Одамлар қўш ботиши билан қўчага чиқишга қўриқиб қолишган, Филлар «Масаимаара» қўриқхонасидан келганлиги маълум бўлди.

## «ОДАМХЎР...»

Англияда шов-шувга сабаб бўлган суд ўз қарорини чиқарди. 42 ёшли Розмари Уэст исмли кишига улим жазоси тайинланди. Суднинг аниқлашича у ўн нафар қиз болани, шу билан бирга ўзининг қизини ҳам ўлдирган экан. Бунақанги жиноят Англия тарихида жуда ҳам кам учраши мумкинлиги таъкидланмоқда.

## МОТОЦИКЛДА САЙР

Қозоғистонлик ўқитувчи ва шоир Анварбек Пардабеков собиқ иттифоқ республикалари бўйлаб ўзининг «Урал» мотоциклда қилган сайрини Ирбит шаҳрида яқунлади. 13 кунлик сайрда А.Пардабеков Владивостокка бориб қайтди. Унинг ҳисоби бўйича 50 минг километрлик йўл ортда қолган. Ирбитга келиб эса мотоцикл қиммат таъмир қилинадиган даражада бузилди. Бу эса А.Пардабековни сайрни тухта-тишга мажбур қилди.

Матбуот хабарлари  
асосида тайёрланди





«Тавба!»

## АЛОМАТХОННИНГ ГЕРМАНИЯЛИК ДУГОНАСИ

Германиялик физик Манфред Вуртманн бошқариладиган уй бекаси — темир хотин яратди. Бу робот аёл ишиш-товоқ ва кир-чирларни ювиши, овқат тайёрлаши мумкин. Ҳатто сунъий бачадонда ҳомилда ривожланириб, фарзанд куриши ҳам мумкин.

— Бу ажайиб, фан оламида мисли курилмаган янгиллик, — дейди олим кўноқчилиги яппиролмай. — Мен узоқ йиллик орузумга эришдим: аёл бажариши мумкин бўлган барча юмушлар қўлидан келадиган ва ҳатто ундан устунроқ бўлган машина-аёлни яратдим.

Вуртманннинг фикрича, робот аёлнинг ўз аёлларимиздан устунлиги шундаки, гапирмайди. Демак, у аёллар сингари вайсақилик билан ўз ҳужайинининг жигибйиронини чиқариб, безор қилиш қу-суридан холи.

Олим ўз ихтиросига Фемин-Олл деб исм қўйди. У «2000 йилга бориб аёлларнинг кераги бўлмай қолади, уларнинг урини меннинг роботларим эгаллайди, улар эркакларга маъқул бўлишига ишончим қомил», — демоқда.

## ЗУВАЛАСИ САДОҚАТДАН ҚОРИЛГАН

«Санта Барбара» телесериали қаҳрамонларидан бири Си-Си Кэпвел ролининг ижрочиси Жен Эллен билан суҳбат

— Суратта олиш пайтида кутилмаган ҳолатлар ҳам юз бериб турса керак?

— Бўлмаса-чи! Бир куни десангиз, биз етган кроват силиб кетди. Шу лавҳани қайта суратта олиш учун бошқа кроват олиб келинди. Тугриси, ушунда ким билан биргалитим ҳозир едимда йўқ. Ахир филм давомида унга матиш-қам бўлган, барини эслаб қолинг қийин-да?

— «Санта Барбара»-да ўйта экан. Ҳаётда-чи?

— Нималар деяпсиз? Мен уйланганман. Мана 37 йилдирки, унга содиқ умр йўлдошман. Мен хотинимни ҳақиқий, утл муҳаббат билан севаман.

— Хотинингиз нима иш қилади?

— У уй бекаси. Умрида бир доллар ҳам ишлаб топган эмас. Лекин у уйлари жиҳозлашга қизиқади. Шунинг учун биз тез-тез уй сотиб олиб, уни жиҳозлаймиз-да, қайта сотамиз.

— Узингизни кўз олдимга келтириб турирман!

— Ҳа, уйимизга гап йўқ. Калифорния штатида ўрмон билан қопланган тоғлар бағрида — гўзал жойда жойлашган. Олдида голф учун майдончаси ҳам бор.

— Бунинг бари хотинингизнинг қизиқиши тугайлими?

— Тугрироғи, менинг ишим ва пулим тугайли. Худога шукр, Си-Си Кэпвел даражасида бўлмасам ҳам, пулим қўп. Агар хоҳласам Санта-Барбарадан уй сотиб олишга бемалол етаци.

— Айтгиларича, яхшигина ошпаз экансиз.

— Умримда бирор нарса пиширган эмасман. Телешоулардан бирини менга овқат тайёрлашни урғатишганди (тугрироғи, шунга ури-нишганди). Умуман, биз асосан ресторанда овқатланамиз.

— Жен, сиз салкам 38 йилдирки, хотинингиз билан биргасиз. Бундай бахтли ҳаётнинг сирини нимада?

— Бир-биримизни доим тугри тушунамиз. Айрим келишмовчиликларини эса ҳазил сифатида қабул қиламиз.

— Узингиз зарарли деб ҳисоблайдиган одатларингиз кўпини?

— Умуман йўқ. Мен чекмайман, кам ичман, хотиним Тобидан бошқа аёлларга қиё ҳам боқмайман.

— Уч ўзининг отасисиз, улар нима иш қилишади?

— Бири ҳуқуқшунос, иккинчиси киностудияда муҳаррир, учинчиси эса компьютер графикаси бўйича мутахассис. Уч неварам бор. Яқинда туртинчиси туғилади. Утилларим алоҳида яшашиди, лекин биз тез-тез учрашиб турамыз.

«БВВ» ҳафталигидан олинди



Ирим-сиримлар

## МУШУК БЕКОРГА...

• Уч хил рангга эга бўлган мушук уйни ёнгин ва бошқа бахтсиз ҳодисалардан сақлар экан. Бундай мушукнинг эгаси эса ҳеч қачон безгак касалига чалинмас эмиш.

• Агар кемада мушук бўлса, кема ва кемадагилар ҳар қандай ҳалокат хавфидан узоқ бўлишаркан.

• Мушук янги келин-куёвлар яқинида туриб акса урса, бу уларнинг узоқ ва бахтли турмуш кечирлишларидан далолат бераркан.

• Мушукнинг янги уйга эгасидан олдин кириши, уйга тинчлик ва фаровонлик олиб келаркан.

• Қўкқуз мушук эгасини душманларининг гаразидан, қасдидан қутқарар эмиш.

• Агар мушукнинг жунлари тиккайса ёмғир бўлиши мумкин экан.

Соғлом ва гўзал  
бўлай десангиз


## 27. ВИПАРИТ КАРНИ АСАН

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Гилам еки одетга орқангиз билан етинг. Қўларингизни танангиз енларига чиқаринг. Кафтларингиз полга қараган бўлсин. Чўқур нафас олинг, оғирлигингизни кафтларингизга ортинг, оёқ ва товонларингизни букчи, уларни Уттанпад асандаги каби юқорига кутаринг. Оёқларингиз тугри туриши шарт. Товонларингиз баландга қараган бўлиши лозим. Нафас чиқаринг ва дастлабки ҳолатингизга қайтинг. Озгина дам олинг. Оёқларингизни салгина юқорига чиқариб, зарб билан думбаларингизни кутаринг ва уларни қўларингиз билан ушланг. Танангиз оғирлиги кафтларингизда, тирсақларингизда ва елкаларингизда мувозанатлашади. Бу ушбу асаннын охириги ҳолати. Кўчингиз етту-нича шундай тураверинг.

Випарит карни асанда бел унчалик тугри турмайди, у салгина эгилувчан бўлади.

Фойдалари: Ушбу асан диабет ва жинсий органларнинг даволашида ердан беради. Бу асани бажарган одам ҳеч қачон қариллиқни ҳис қилмайди.



## ЎЗИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

ТОЛЕНОМА

Қоғоз ва қалам олиб, унга қуйдагиларни ёзинг.

|         |          |           |          |
|---------|----------|-----------|----------|
| баланд  | бугдой   | қора      | кичкина  |
| қомат 4 | ранг 7   | соч 4     | тирноқ 7 |
| кичик   | оқ       | тиллари   |          |
| қомат 5 | ранг 9   | соч 7     |          |
| уртача  | қора     | хурморанг |          |
| қомат 6 | ранг 8/9 | соч 3     |          |
| семиз   | қора     | оқ        |          |
| бадан 6 | кўз 7    | соч 5     |          |
| озгин   | кўк      | кўпол     |          |
| бадан 5 | кўз 4    | тирноқ 5  |          |
| уртача  | бодом    | узун      |          |
| бадан 7 | кўз 5    | тирноқ 9  |          |

Энди ўзингизни ёки бирор одамнингизни юқоридagi баллар асосида текшириб қурсангиз бўлади. Тўланган ҳамма балларингизни ҳисоблаб чиқсангиз, ҳосил бўлган сон сизнинг фолингиздир.

• 28 — Сиз тиришқоқсиз, аммо узагалар сизни ҳафсаласиз деб уйландилар. Уларга гайратли эканингизни исботлашга ҳаракат қилинг.

• 29 — Сиз ҳамма ерда одамлар кўзига яхши кўринишга ҳаракат қиласиз, юксак маданиятга, одоб-ахлоққа катта аҳамият бераёсиз.

• 30 — Сиз маънавий гузалсиз, аммо ўзингиз бунга аҳамият бермайёсиз. Камтаринлигини ёқтираёсиз.

• 31 — Бирон нарсани ўз яқинларингизга қўрсатишни яхши қурсиз, ва шундай қилиш билан кўнглингиз таскин топади. Қилган ичингиздан мамну-лик, ҳурсандлик ҳиссини туйсиз.

• 32 — Сивсатга катта қизиқиш билан қарайёсиз. Сивсат билан кўпинча ўзингизни хафа қилиб қурсиз.

• 33 — Табиатингиз жуда оғир тез ҳаётингиз чиқади. Бундай одамларни ўзингиздан соқит қилишга ҳаракат қилинг.

• 34 — Сиз ҳушбодсиз. Шу сабабли атрофингизда одамлар кўп, айниқса қариндошларингиз, яқинларингиз сизни жуда ёқтирашди.

• 35 — Меҳмон қутлини ва меҳмонга боришни хуш қурсиз. Кўпроқ меҳмонга борасиз. Яхши дўстларингиз ҳам бор.

• 36 — Кўнглингиз кўпинча ноҳуш бўлиб туради, гўёки бир нарса етиш-маётгандек. Ўзингизни беҳуда ташвишлантирманг. Ҳамма ишларингиз жойида фақат асабларингиз бўшаган. Асабни мустаҳкамловчи омилларга аҳамият беринг.

• 37 — Дилингиз пок, аммо узагалар бунч сезмайди. Одамларга пок инсон эканлигингизни эзгу ишларингиз билан исботланг.

• 38 — Дилингиз озуларга бой, лекин сиз озуларингизга ета олармиканман деб норихат бўласиз. Шунч яхши билинги, яхши ният албатта мустаҳаб бўл-гусидир.

• 39 — Бир кишини севаёсиз, шунч билинги, у ҳам сизни қисман севади ва эслаб туради. Маънолар айтганда — «Дил дилга йўл топқусидир».

• 40 — Бетоб бўлсангиз ҳам ўзингизга аҳамият бермайёсиз. Лекин сизнинг атрофингизда одамлар гирдиқалақидир.

• 41 — Майда гап бўлманг, бу сизга омад келтирмайди. Ҳамиша қаноатли бўлиб яшава турганинг. Қаноат саодат қилити эканини унутманг.

• 42 — У нарсам йўқ, бу нарсам кам деб ранж чекаверасиз. Бекорга ранж чекш соғлигингизга зарардир.

• 43 — Сиз ичингизнинг ҳаммиш яхши бўлишини истайсиз. Узагалар ҳаётингизга аралашшини ёки мулозматишни ёқтирмаёсиз.

• 44 — Етган ҳатингиз эанкирга ушайди. Сайру савҳатни, айниқса, чет элларга савҳатни яхши қурсиз. Айтганингизни қилдиришга уринасиз.

• 45 — Сиз бирон иш қилсангиз поёнига етказмасдан чала қолдирасиз. Ишларингизни қалатириб ташламанг.

• 46 — Кўп туш қўрсиз ва тушингизнинг табирига ҳам жуда қизиқасиз. Кўп туш қўришнингизга сабаб ўққўнсиз. Уққўни қалатлигича қарақ.

Бахсидин ТУРП/НЗЗ ташвирланган



# ОЙБЕККА ЎХШАЙДИГАН ОЛИМ

Ўзбекнинг тирик зиёлиси ким деса, мен ҳеч иккиланмай Наим Каримов деб айтар эдим. Ва бу бугун е кеча пайдо булган фикр эмас ва бу фақат менгина айтadиган фикр эмас. Наим акага на олим, на адабиётшунос, на фан доктори, на Беруний мукофоти лауреати деган унвонлардан кура, катта ҳарфлар билан ЗИЕЛИ деган сифат купрок ярашади. Зиёли тор тушунчамиздаги олий маълумотли киши эмас. Зиёли бу миллат тажассуми, миллат қиёфаси...

Хомчут қилиб курсам, Наим аканинг китобу мақолалари, таржимаю гоҳ-гоҳ ўз кўнгли учун қиладиган бадийи машқлари икки юз босма табоқдан ошар экан. Уртача йигирма табоқдан ҳисобланса ун жилд китоб... Чўлпону Ойбекдан, то Хайридину Хурийд Давронгача булган ўзбек адабиётини бутун тараққиётдан, то услубий ранг-баранглигигача таҳлил қилиб, талқиқ этган, улар ҳақида малакали, салмоқли сўз айта олган олимнинг ҳеч қачон осон йул қилдирмагани, енгил ҳудосалар чиқариб, мавзун сохталаштирмагани илму адаб аҳлига қўндай равшан...

Ажойиб кўнларнинг бирида суҳбатлашиб туриб, иттифоқо мен Наим акага: «Бирор олим қайсидир ижодкорни узоқ урганса, унинг битикларига садоқат курсатса, ўша зотнинг узига ўхшаб кетаркан. Ва балки, асли табиатидаги хусусиятлари ўша зот сифатларига яқин булса керакки, умр буйи унинг асарларига мурожаат қилади», деб айтганимда сузларимдан

ҳаяжонланиб кетган эди. Дарҳақиқат, Наим ака Ойбекка ўхшайди. Одамийлиги, ҳалоллиги, ҳаёлпараст-романтиклиги, соддадил, камтарин, меҳнатқашлиги, қамровдор ва сермахсуллиги — бари Ойбекка ўхшайди.

Наим ака Ойбек ҳақида куп эзди, хуп эзди. Узаро суҳбатларимизда гап айланиб келиб ҳамиша Ойбекка боғланади. Ҳар гал Ойбекдан тошган муъжаз кашфиётларимизни уртоқлашамиз. Кашф этишнинг эса поени йўқ. Айниқса, «Қўтлўғ қон» сўнги йиллардаги суҳбатларимизнинг бош мавзуси. Бу асар адабиётимизнинг энг гузал намуналаридан бири эканлигига шубҳа йўқ. Биз — Наим ака икковимиз асар қабатлари чокини сукиб дунелар кашф этишдан хушбахтмиз: «Қаранг-а, илон егини ялаган Мирзакаримбой буш вақтлари Ясавийни, Чор Дарвешни варақлашни хуш курали» еки «Ресторандаги улфатчилик тасвирида икки урис чиниовнигининг суҳбати билан Абдишуккур, Салимбойвачча ва Жамолбой даврасининг суҳбати, қилиқлари; ҳаттиҳаракатлари ва сергак жадиднинг қўшни столдаги суҳбатдан аламланиб ҳаёлидан кетган уйлари эсланг»... «Гуландомчи, Гуландом! Тантибойваччадек туқим табиат нусха ҳам бу аёлнинг суҳбатларидан мутаассир булиб, мулоим тортади».

Суҳбатларимиз ерда бошланиб самоларда тугайди. Ойбек хотирасига даҳлдор дуневий икир-чикирлардан бошланиб, ҳайрат билан якун топади.

Мазкур уйлари езиб қўйганимга бир йилча булибди. Шу муддат ичида

Наим ака яна унга яқин мақолалар эълон қилди. Бир-иккита танбалроқ шогирдларини илм осмонига росмана учирма қилди. Жадидлар, Ойбек, театр дунесига яна ошўфта кезди, ҳайратларини қозога туширди. Ниҳоят бир неча йилдан бери тайёрлаб келатгани — Зарифа опанинг Ойбек ҳақидаги хотираларини гузал китоб ҳолида нашр эттирди. Хуллас, маиший икир-чикирлардан йироқ, яна бир меҳнат ва романтик туйғулар билан тузлиқ йил утди. Яна бир йил деяману, бу йилнинг Наим ака учун табаррук экани едимга келяпти. Устоз муборак пайгамбар ешига тулди, улўғ ва муътабар ешта...

Дарвоқе, бу Ойбек домланинг ҳам фоний дунёда яшаб утган еши, безавол хотирага айланган еши. Йўқ, илоҳи Наим ака домланинг фоний умрига қисматлош бўлмасин, узоқ яшасин... Ҳали қиладиган-ишлари жула куп. Чўлпон, Фитрат, Қодирийларнинг тула асарлар тушмалари академик наширлари. XX аср ўзбек адабиётининг ҳар қандай «изм»лардан ҳоли, эстетик мезонлар асосидаги объектив тарихи, Ойбек ҳақидаги орзулаб юрганлари — икки китоблик роман — талқиқот. Хуллас, бир заҳматқаш астойдил ишласа, камидла 30 йилча муддат талаб этиладиган бир дуне илмий юмуш.

Ойбек домла ҳақида Наим акадан ўтказиб мукамалроқ асар — талқиқот ярата оладиган бошқа мутахассис, менимча, йўқ. «Тарих»ни айтмаса ҳам булади. Чўнки XX аср ўзбек адабиётининг тўққизта ун йиллигида юз берган адабий ҳодисалар, ўзгаришлар, тараққиёт ва таназзуллар - деярли барчаси ҳақида Наим ака еки монография, еки мақола шаклида талқиқотлар яратган. Шу боисми, у кишининг докторлик автореферати «XX аср ўзбек адабиётининг тараққиёт тенденциялари» деб аталиб, бутун тўқсон йил давомидаги адабиётимиз талқиқи таҳлил этилган. Ана шу иш ҳимоясида академик Иззат Султон «Мен адабиётшунослигимизда бутун бир аср адабиётимизнинг манзарасини тула тасаввур этиб, ҳар бир даври ҳақида, ҳар бир ҳодисаси ҳақида малакали илмий фикр айта оладиган мутахассис етишганидан фахрланаман. Нафақат мен, айни чоғда бутун адабиёт илмимиз гурунланса арзийди», деб айтган эди.

ШУҲРАТ РИЗАЕВ

Бу ажиб дунё

«... КЎЛИНГИЗДАН  
КЕЛМАСА...»

Россиянинг Кўрғон вилоятидаги Кетов туманида яшовчи чўпон йигит испан тореадорларига тақлид қилмоқчи бўлди. У қизил мато олиб подадаги ҳўкизнинг жигига тега бошлади. Лекин жонивор бамайлихотир пичан чайнайверди. Жаҳли чиққан чўпон ҳўкизни роса савалади. Ҳўкиз бечоранинг жони огриди шекилли, «тореадор»ни жон-жаҳди билан сузди. Бир неча метр нарига учиб тушган чўпоннинг қовурғалари синди.

Сўнги  
устун

КИЧКИНА ДЕМАНГ  
БИЗНИ...

Хитойнинг Чжан шаҳрида яшовчи етти яшар Жин Ли нафақат ўз юртида, балки бошқа жойларда ҳам анчагина машхур. Сабаби, шу ёшда унинг буйи 170 сантиметр бўлиб, оғирлиги эса 200 килограммга яқин. У кўнига 30 килограмм гуруч, 5-6 килограмм балиқ, бир неча товўқни кўрдим демай ҳазм қилиб юборади.

ҲОМИЛАДОРЛАРГА  
ИМТИЁЗ

Шимолий Ҳиндистоннинг бир қатор шаҳарларида қонун ресторан ва ошхоналарда ҳомиладор аёлларга овқатни ярим нарҳига, чанқовбосди ичимликлар эса бепул берилишини шарт қилиб қўйган.

ИТИНГИЗНИНГ ОТИ  
НИМА?

Ҳайвонот олами ҳақида ёзувчи йирик журналларнинг маълумотига кура, утган йили дунёда итларга энг куп қўйилган лақаб Соупи бўлди. Иккинчи уринда Волфганг, учинчисида Фидо лақаблари туради.

ЮВИНИШ МУМКИН  
ЭМАС

Хитойнинг Юнан шаҳрида куевларга тўйдан уч кун олдин ва тўйдан кейин яна бир кун ювиниш таъқиқланади.

АНТИҚА РЕСТОРАН

Аргентина пойтахтида очилган янги ресторанга «Қўпол ва ёмон» деб ном берилди. Бу ерда официантлардан хўрандаларга қўпол муомалада бўлаш талаб этилади. Шўнга қарамай, хўрандалар сони ошиб борапти.

КАШФИЁТ ОЛДИДА  
ТУРИБМИЗ

АҚШлик башоратгўй Серена Сабакнинг айтишича, 1996 йилда ватандошларидан бири соч тўкилиб кал бўлиб қолишнинг олдини оладиган воситани кашф этади.

ҚОҒОЗ КЎЙЛАКЛИ  
ХОНИМЛАР

Германиялик дизайнер Эрленс Рахштайг қоғоз толадан тикиладиган кўйлақлар яратди. Бундай матодан аёллар учун сўнги модадаги кўйлақлар, кофтлар тикилмоқда. Нарҳи жуда арзон: матодан тикилган битта кўйлақнинг пулига 15-20 та қоғоз кўйлақ харид қилиш мумкин. Эскириб кир булғач, овора бўлиб ювйб юрмай ташлаб юбараверса ҳам бўлади.



Ўзбекистон  
Республикаси  
болалар  
жамғармаси ва  
«Соғлом авлод учун»  
Халқаро хайрия  
жамғармаси

БОШ МУҲАРРИР:  
Абдукарим РАҲИМБЕРДИ

Газетамиз ҳомийси:  
Ўзбекистон «Матбуот тарқайиш  
уюшмаси» ассоциацияси

МАҲЗАЛИМИЗ:

700078, Мустақиллик  
майdonи, 5-бино.

Телефон: 39-43-95  
Алижон САҒАРОВ  
навбатчилик қилди  
Обуна индекси - 64654  
Рўйхатга олиш № 33  
Буюртма Г-0517. 23566 нусхада чоп  
этилди. Офсет усулида босилди.  
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.